Xalq deputatlari Sirdaryo viloyati Kengashi

Q A R O R

2020 yil “ 17 ” dekabr 78/15-6-son Guliston sh.

Сирдарё вилоятида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 17 июлда ҳудудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида янги қурилган сув тармоқларидан тўлиқ фойдаланиш, келгуси йилдан бошлаб барча лойиҳаларда ичимлик сувини хонадонларгача ўтказиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бироқ, ҳанузгача бу борада кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан ичимлик суви таъминоти ва канализация соҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжуд.

Хусусан, ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек, сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид зарур барча ахборотни “онлайн” режимида киритиш, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона тизимнинг йўқлиги, сувни исроф қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлик бўлмаган харажатлар ошиб кетаётганининг сабабларидан биридир.

Сув таъминоти тармоқлари ва иншоотларидан самарасиз фойдаланилаётгани, шунингдек, жойлардаги асосий фондларни модернизация қилиш ва янгилаш лойиҳалари ишончли молиялаштирилмаётгани ускуна ҳамда техникаларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда тез ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Сирдарё вилояти “Сувтаъминот” МЧЖ раҳбари Ю.Жалоловнинг “Сирдарё вилоятида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувининг хизматлари тарифлари тўғрисида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сирдарё вилояти “Сувтаъминот” МЧЖ, Сирдарё вилояти ҳокимлиги молия бош бошқармаси ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Сирдарё вилояти бошқармасининг хулосаларига асосланиб, вилоятда сув таъминоти ва оқова сув ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун аҳолига 1 метр куб ичимлик сувининг тариф нархи 1 250 сўм, оқова сувининг тариф нархи 530 сўм этиб, бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга 1 метр куб ичимлик сувининг тариф нархи 2 500 сўм, оқова сувининг тариф нархи 1 200 сўм этиб белгилансин.

3. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (А.Каримов), (А.Хожиматов), вилоят молия бошқармаси (А.Рахимов) ва Сирдарё “Сувтаъминот” МЧЖ раҳбари (Ю.Жалолов)лар:

уч кун муддат ичида барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда корхона, муассаса, ташкилотларда сув таъминоти ва оқова сув ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматлари бўйича тасдиқланган сув тарифининг нархлари юзасидан тушунтириш ишларини олиб борсин;

“Сувтаъминот” МЧЖнинг молиявий зарар билан ишлаш сабабларини пухта тахлил қилсин ҳамда уларни соғломлаштириш, ичимлик суви тарифларини ўз вақтида тўланишини назоратга олиш, белгиланган рентабеллик даражасига яқинлаштириш чораларини кўриш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқсин;

ичимлик суви таъминоти корхоналарининг аҳволини тубдан яхшилаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича иш режаларини ишлаб чиқсин;

барча ичимлик суви ишлаб чиқариш ва тақсимлаш иншоотларини хатловдан (инвентаризация) ўтказиб, уларнинг тўлиқ рўйхатини ва техник ҳолати бўйича маълумотларни ўрнатилган тартибда вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борсин;

вилоятдаги барча давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларида ишловчи ходимларнинг ҳамда фуқароларнинг ичимлик суви таъминотидан қарздорлиги рўйхатини шакллантириб, қарздорликни қисқартириш чораларини кўрсин.

4. Ахборотлаштириш ва оммавий коммуникациялар вилоят бошқармаси, вилоят телевидениеси, “Янги Сирдарё” газетаси таҳририятига қарор ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларни доимий равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал

хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси раиси Б.Собировга юклатилсин.

6. Қарор расмий нашрларда эълон қилингандан сўнг кучга киради.

Сессия раиси **М. Ходжиев**